



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Наманган шаҳри 2022 йил 23 сентябрь 4-1601-2201/3869-сонли иш

Наманган туманлараро иқтисодий суди судья А.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Тураевнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи Анинг жавобгар «Б» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 35061296 сўм миқдорида жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган ишни аризачи вакили Д.Абдуллаев (ишончномага асосан) иштирокида суднинг ўз биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

А (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, «Б» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли қарорига асосан жами 35061296 сўм миқдорида жарима қўллаб беришни сўраган.

Аризачи вакили суд муҳокамасида берган тушунтиришида билдирилган талабни қувватлаб, жавобгар томонидан дебитор қарздорлик қисман баргараф этилганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади ҳамда ариза талаби юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 170, 220-моддаларида бундай ҳолда иш жавобгарнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган. Шунга асосан, суд мазкур ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Суд аризачи вакилининг суд мажлисида берган тушунтиришларини тинглаб, ишдаги тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра аризани қисман қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келди:

иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, аризачи томонидан жавобгар фаолияти юзасидан таҳлил ўтказилганда жавобгар томонидан 2020 йил ва 2021 йил давомида хорижий хамкорлар билан тузилган импорт шартномаси бўйича 31500 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлик вужудга келганлиги аниқланган.



Жумладан, жавобгар томонидан Қирғизистон Республикасининг “Голден кроун” МЧЖ компанияси билан 204273222206019226210200015-сонли (ИДН рақами) импорт шартномаси бўйича умумий 24500 АҚШ доллари миқдоридан, Туркия Республикасининг ГНТ Тарим Синаи Тикарет Димитед Ширкети компанияси билан 204273222206019226200200061-сонли (ИДН рақами) импорт шартномаси бўйича умумий 7000 АҚШ доллари тўловлар амалга оширилган бўлиб, лекин белгиланган муддатларда товарлар импорт қилинмаганлиги ёки маблағлар қайтарилмаганлиги натижасида 2022 йил 11 июнь куни ҳолатига 204273222206019226210200015-сонли (ИДН рақами) импорт шартномаси бўйича 27269897 сўм, 204273222206019226200200061-сонли (ИДН рақами) импорт шартномаси бўйича 2022 йил 11 июнь куни ҳолатига 7791399 сўм муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган ва товарлар импорти белгиланган муддатлардан 360 кундан 545 кунгача бўлган муддатга кечиктирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади)нинг 23-бандига мувофиқ, товарларни республикага олиб кириш ва “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 календарь кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Низомнинг 27-бандида белгиланишича, ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 241-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун — 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Низомнинг 28-бандига кўра, аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда:

жарима қўллаш масаласи судда кўриб чиқиладиган пайтда — аризани қўйиб қолган тақдирда қисқартирилиши таъминланган қарздорлик миқдорига мутаносиб равишда рад этилади;



суд ҳужжати қонуний кучга кирмаган вақтда — ижрога қаратилмайди.

Молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг 90 календарь кун ичида ва уни шу муддат ичида ижро этиш пайтида аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда — иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилинади (давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан), шунингдек, ундирилган жарималар хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади.

Низомнинг қайд этиб ўтилган талабларига асосланиб, эркин муомалага чиқариш божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш белгиланган муддатлардан кечикканлиги учун аризачи томонидан жавобгарга нисбатан муддати ўтган дебитор қарздорликни бартараф этиш ёки жаримани ихтиёрий тўлаб бериш ҳақида талабнома жавобгарга унинг шахсий кабинети орқали юборилган.

Бироқ, жавобгар томонидан муддати ўтган дебитор қарздорликларнинг бартараф этилганлиги ҳақида аризачига маълумот тақдим этилмаган ёки жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган.

Шундан сўнг, аризачи жавобгарга нисбатан жами 35061296 сўм миқдорида жарима қўллаб беришни сўраб судга ариза билан мурожаат қилган.

Юқорида қайд этилганидек, жавобгар томонидан хорижий хамкор билан тузилган **импорт** шартномалари бўйича пул маблағларини қайтариш муддати ўтказиб юборилиб, 545 кунгача кечиктирилган.

Ишни судда кўриш кунда **204273222206019226200200061-сонли** (ИДН рақами) **импорт** шартномаси бўйича дебитор қарздорлик бартараф этилган, **204273222206019226210200015-сонли** (ИДН рақами) **импорт** шартномаси бўйича 19000 АҚШ доллари миқдорида дебитор қарздорликка йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатда, дебитор қарздорликнинг 10 фоизига тенг миқдорда, яъни 19000 АҚШ доллари (19000 x 10% = 1900) АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган валюта курси (11.06.2022 ҳолатига 1 АҚШ доллари – 11130,57 сўм) бўйича 21148083 сўм (1900 x 11130,57) миқдорида жарима ҳисоблаш лозим бўлади.

Ушбу ҳолатлар аризачи вакилининг суд муҳокамаси давомида берган тушунтиришлари ҳамда ишдаги мавжуд далиллар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ташқи савдо операцияларининг Ягона электрон базаси маълумоти билан тақдим этилган маълумоти билан тасдиқланади.

Таъкидлаб ўтилган қонун ҳужжати талабларига асосан, ушбу ҳолат аризачи томонидан билдирилган талабни қаноатлантиришга ва жавобгарга нисбатан жарима қўллашга асос бўлади. Шу боис, суд аризачи томонидан билдирилган талабни асосли деб ҳисоблайди ва аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.



“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига асосан, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Шунга кўра, суд иш юзасидан давлат божи ундирмасликни ҳамда тўланган 24000 сўм почта харажати жавобгардан аризачи фойдасига ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176-179, 220-222-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Анинг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

«Б» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 21148083 сўм миқдорда жарима қўлланилсин.

Жарима суммасини ундириш аризачи зиммасига юклатилсин.

«Б» масъулияти чекланган жамиятидан:

- А фойдасига 24000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

А.Каримов

